



**Маркетинг мавжуд эмаслиги ва узоқни кўриш  
йўқотилиши таназзулга қандай олиб келди ва  
визионернинг қайтиши брендни қай тарзда қутқарди?**

Apple – тарихдаги энг муваффақиятли компаниялардан бири, аммо унинг йўли доимо ҳам муваффақиятли бўлмаган. 1985 йилда компания ҳаммуассиси ва визионери Стив Жобс ички низолар туфайли Appleдан четлатилган эди. Унинг ўрнига PepsiСонинг собиқ раҳбари Жон Скалли келди. У асосан операцион самарадорликка эътибор қаратди, бироқ Appleнинг маҳсулот ва маркетингдаги асосий жиҳатларини унутди. Бу давр Apple тарихидаги энг қоронғу даврлардан бирига айланди. Аммо Стив Жобс 1997 йилда компанияга қайтганида, нафақат Appleни банкротликдан қутқарди, балки уни қайта инновациялар ва муваффақият йўлига олиб чиқди.

### **Муаммо**

Жон Скалли раҳбарлигида Apple ўз ноёблигини йўқота бошлади. PepsiСода фаолият юритган Скалли даромад ва ишлаб чиқариш самарадорлигига алоҳида эътибор қаратди, аммо Appleни бошқалардан ажратувчи жиҳатларни тушунмади.

### **Нималар нотўғри кетди?**

- **Инновациялар йўқолди:** Apple революцион маҳсулотлар яратиш ўрнига, бир-бирига ўхшаш компьютерлар чиқара бошлади. Macintosh сериясида ўнлаб моделлар бор эди, бу эса харидорларни чалғитиб, тушунмовчиликка сабаб бўлди.
- **Дизайнга эътибор камайди:** Apple маҳсулотлари одатий ва диққатга сазовор бўлмаган кўринишга эга бўлди. Стив Жобс даврида компания оддий ва жозибали дизайн билан машҳур эди.
- **Маркетинг кучсизлашди:** Apple ўз маҳсулотлари ҳақида илҳомлантирадиган ва таъсирли ҳикоялар яратишни тўхтатди. Рекламалар оддий ва зерикарли бўлиб қолди.
- **Рақобат кучайиб кетди:** Microsoft Windows бозорни эгаллаб олди, Apple эса унга қарши тақдим қиладиган кучли маҳсулотга эга эмас эди.

1997 йилга келиб, Apple банкротлик ёқасига келди. Бозор улуши 3 %га тушиб кетди, компаниянинг йўқотишлари эса 1 миллиард доллардан ошиб кетди. Apple ўз моҳияти ва мижозлар билан боғлиқлигини йўқотди.

## **Ечим**

Стив Жобс қайтиши ва Apple'ни қутқариш. 1997 йилда Apple NeXT компани-ясини сотиб олди, бу эса Стив Жобснинг компанияга қайтишига сабаб бўлди. Бу бўрилиш нўқтаси бўлди. Жобс вақтинчалик CEO сифатида қайтди ва қатъий ўзгаришларни амалга ошира бошлади.

## **Жобс нималарни ўзгартирди?**

- 1. Маҳсулот турларини соддалаштирди:** Apple дастлабки ўнлаб маҳсулот ўрнига фақат тўртта асосий компьютер ишлаб чиқара бошлади (иккита ноутбук ва иккита стационар компьютер). Бу сифатни яхшилашга ёрдам берди.
- 2. Дизайн ва инновацияга қайта эътибор қаратди:** Жобс соддалик ва эстетик гўзалликка эътибор қарата бошлади. iMac сингари маҳсулотлар бозорда улкан муваффақиятга эришди.
- 3. Маркетингни кучайтирди:** Жобс маркетингни оддий реклама эмас, ҳикоя яратиш деб билиши муҳим эди. У «Think Different» номли машҳур реклама тадбирини бошлади, бу эса миллионлаб кишиларни илҳомлантирди.
- 4. Экотизим яратди:** Жобс бўғинли маҳсулотлар тизимини ривожлантирди — iPod, iPhone, iPad, Mac. Бу мижозларнинг садоқатини ошириб, даромадни кескин кўпайтирди.

## **Натижалар**

Apple қайтадан муваффақият сари йўл олди. Стив Жобс қайтганидан кейин Apple'нинг янги даври бошланди. 1998 йилга келиб, компания яна даромадли бўлди, 2001 йилда iPod тақдим этилди, бу эса мусиқа саноатида инқилоб яратди. 2007 йилда эса iPhone ишлаб чиқарилди, у технологиялар тарихидаги энг муваффақиятли маҳсулотга айланди.

Энг асосий ютуқлар:

- Apple'нинг бозор капитали 1997 йилда 2 миллиард доллар бўлган бўлса, 2023 йилда 2 триллион доллардан ошди.
- iPhone тарихдаги энг кўп сотилган маҳсулотга айланиб, компанияга юзлаб миллиард доллар даромад келтирди.
- Apple дунёдаги илк 1 триллион долларлик компания бўлди.

Apple тарихидаги Стив Жобсиз давр шуни кўрсатдики, ҳатто, энг муваф-фақиятли компания ҳам агар у маҳсулот, дизайн ва маркетингга эътиборни

йўқотса, инқирозга учраши мумкин. Жон Скалли яхши менежер эди, аммо у Аррлени беқиёс компанияга айлантирувчи асосий тамойилларни тушунмаган.

Стив Жобснинг қайтиши шундай ҳақиқатни исботлади:

- Лидерлик ва аниқ визионерлик ҳар нарсани ўзгартириши мумкин.
- Маҳсулот ва инновацияга бўлган севги муваффақият калитидир.
- Маркетинг шунчаки реклама эмас, балки кишиларга таъсир этувчи ҳикоялар яратиш санъатидир.

Жобс нафақат Аррлени қутқарди, балки уни дунёдаги энг қиммат ва нуфузли компаниялардан бирига айлантирди. Унинг инновация, дизайн ва маркетингга ёндашуви бутун индустрия учун намуна(эталон)га айланди.

